

Ободлик бор жойда файзу-барака, ишда унум, аҳоли кайфиятида кўтаринкилиқ бўлади



Кўчаларимиз ободлиги ободонлаштириш соҳаси ходимларининг машақкатли меҳнатлари билан амалга ошмоқда. Бугун эрта тонгдан соҳа жонкуярлари туманинг «Қўнғирот», «Мустақиллик», «Намуна» «Солиобод» ва «Наврўз» маҳаллаларидағи кўчалар, автомобиль йўллари ёқаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб боришиди.

Кўчалар чиқиндилардан тозаланиб, автомобиль йўллари ёқасида жойлашган дарахтзорлар ораларига ишлов бериш ҳамда йўл бўйларига экилган гулларни парваришлиш ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, туман Йўллардан фойдаланиш давлат унитар корхонаси ходимлари томонидан йўл тўсинлари бўёкланиб, тартибга келтирилмоқда.

Ўзининг машақкатли меҳнати билан туманимиз ободлиги ва кўркамлигини таъминлаётган соҳа ишчи-ходимларига ўз миннатдорчилигимизни билдирган ҳолда фуқароларимиздан қилинган меҳнат қадрига етиб, ўз яшаш ҳудуди ҳамда кўчаларини обод сақлашга чақириб қоламиз.